*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

# Посбон

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 9 — 11 (3087—3089) 1998 йил 23 январь, жума Баҳоси эркин нархда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Халқаро алоқалар*

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ



**Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон — Украина қўшма комиссияси жиноятчилик, терроризм ва гиёҳфурушликка қарши кураш масаласи бўйича тайёрлов комиссиясининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.**

Тайёрлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон Республикаси томонидан республика Ички ишлар вазири З. Алматов, республика прокуратурасининг халқаро бўлим прокурори Б. Набиев, Украина томонидан Ички ишлар вазири Ю. Кравченко, Украина Бош прокуратураси назорат бўлимининг бошлиғи С. Василенко, шунингдек, ҳар иккала давлат ички ишлар вазирликларининг тегишли хизматлар бошлиқлари иштирок этишди.

Мажлисда, жумладан ўтган йили апрель ойида Киев шаҳрида бўлиб ўтган тайёрлов комиссияси йиғилишида қабул қилинган 1997-1998 йиллар учун истиқбол режасининг бажарилиши муҳокама қилинди. Шу режага биноан тузилган биргаликдаги ишчи гуруҳлари ўтган даврда ҳамкорликнинг меъёрий-ҳуқуқий омилкорлилигини ўргандилар. Бу гуруҳлар билан қатор шартнома ва битимлар, жумладан, судланганларни топшириш, контрабандага қарши биргаликда курашиш масалалари бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ва Украина ҳудудларидан гиёҳвандлик ва психотроп моддаларини олиб ўтишда транзит сифатида фойдаланилаётганлиги ҳамда гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланиши билан боғлиқ бошқа муаммолар ҳар иккала томонни жиддий ташвишлантираётгани сабабли, мажлис иштирокчилари яқин вақт ичида ҳар иккала давлат тегишли идоралари вакилларининг бу соҳада биргаликда ҳаракатларини янада яхшилаш учун Киевда амалий учрашув ўтказишга қарор қилдилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон ва Украина томонларининг тайёрлов комиссияси таркибига ҳар иккала давлат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралари вакилларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида таклиф тайёрланди.

Шунингдек, иштирокчилар жорий йилда Тошкент шаҳар ИИББ ва Украина ИИВ Киев шаҳридаги Бош бошқармасининг ўзаро ҳамкорлиги ҳақидаги Баённомани имзолаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга келишдилар. Ҳар икки томон бу ҳамкорлик иккала давлат ички ишлар идораларининг дўстона алоқасини янада мустаҳкамлайди ва жиноятчиликка қарши курашда самарали натижаларга олиб келади, дея алоҳида таъкидладилар.

**Ўз мухбиримиз.**

**Суратда: ҳужжатларни имзолаш пайти.**

## ҚЎШНИЧИЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

**Шу йил 15 январь куни Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва Қирғизистон Республикаси ИИВ делегацияларининг учрашуви бўлиб ўтди.**

Республика Ички ишлар вазири З. Алматов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси таркибида Ички ишлар вазирининг биринчи муовини Б. Матлюбов, ИИВ бошқарма бошлиғи А. Жўраев, Наманган вилояти ИИБ бошлиғи Б. Субанов, Фарғона вилояти ИИБ бошлиғи К. Хидиралиев, Андижон вилояти ИИБ бошлиғи Д. Оқмирзаевлар бор эди. Қирғизистон Республикаси ИИВ томонидан эса учрашувда Ички ишлар вазири О. Кутуев, вазирнинг биринчи муовини М. Абдилдаев, ИИВ Бош инспекцияси бошлиғи К. Дуйшебаев, ИИВ бўлим бошлиғи Н. Солдашенко, Ўш вилояти ИИБ бошлиғи А. Каипов ва Жалолобод вилояти ИИБ бошлиғи П. Полоновлар иштирок этишди.

Учрашув давомида икки мамлакат ички ишлар идоралари ўртасида чегарага яқин минтақалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг долзарб муаммолари бўйича музокаралар олиб борилди. Иштирокчилар Фарғона водийси, Ўш ва Жалолобод вилоятларида тезкор вазиятни мунтазам назорат қилиш ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш мақсадида чегарага яқин ҳудудлардаги ҳамкорликни такомиллаштиришга қаратилган ички ишлар идоралари раҳбарларининг учрашувларини доимий ўтказиб туришга келишиб олдилар.

Делегация раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва Қирғизистон Республикаси ИИВ ўртасида чегарага яқин минтақаларда ҳамкорлик ва ўзаро муносабатлар тўғрисидаги икки томонлама битимни имзолашди.

Шу кеча-кундузда эса Тошкентда Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ички ишлар идоралари ҳамкорлигини кенгайтириш бўйича битим лойиҳасини тайёрлаётган Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва Тожикистон Республикаси ИИВ ишчи гуруҳлари экспертларининг учрашуви ниҳоясига етди. Икки мамлакат ички ишлар идоралари вакилларининг келгуси учрашувида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши, транспортдаги жиноятларга қарши кураш ҳамда чегарага яқин минтақаларда ўзаро ҳамкорлик қилиш юзасидан битимлар қабул қилиниб, имзо чекилиши кўзда тутилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

*Сарҳисоб*

## МУКОФОТГА — БЕШТА АВТОМАШИНА

**Яқинда Пахтачи тумани ҳокимлиги мажлислар биносида Самарқанд вилояти ички ишлар идоралари фаолиятининг 1997 йил якунига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ички ишлар идоралари, адлия, суд, прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати раҳбарлари иштирок этдилар.**

Йиғилиш иштирокчилари дастлаб вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Тельман Муродхўжаев ташаббуси билан вилоятнинг кўпгина шаҳар ва туманларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган халқ посбонлари, хусусан, Пахтачи туманидаги 30 кишилик гуруҳ фаолияти билан танишдилар.

Шундан сўнг вилоят ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги С.Кулиев маъруза қилиб, 1997 йил давомида вилоят ички ишлар идоралари ходимлари томонидан тинчлик-осойишталикни таъминлаш, қонунчиликни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилган ишлар ҳақида батафсил гапирди.

Йиғилишда Тойлоқ тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори Н.Бердимуродов, Булунғур тумани ИИБ бошлиғи, милиция полковниги А.Ражабов, вилоят ИИБ ЖҚБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги М.Акрамов, ЖООБ бошлиғи, милиция подполковниги Ш.Убайдуллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, олиб борилаётган ишлар бўйича тўхталдилар.

Шунингдек, Самарқанд вилояти МХХ бошқармасининг бошлиғи А.Носиров, Самарқанд вилояти ҳокимлиги гуруҳ раҳбари Ф.Шодмоновлар ички ишлар идоралари хизмат фаолиятини янада яхшилаш юзасидан қимматли фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Ҳисобот йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Б.Парпиев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Вилоят ИИБ бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Т.Муродхўжаев йиғилиш ишига якун ясаб, барча ҳуқуқ-тартибот ходимларини Оила йилида янада самарали меҳнат қилишга чақирди.

Йиғилиш сўнггида Пахтачи тумани ҳокими Б.Бердимуродов туман ички ишлар бўлимининг беш нафар ишчан ва серғайрат милиция участка вакилларига совға сифатида «Тико» енгил автомашиналарининг калитини топширди.

**С. ЗОҲИДОВ,**
**милиция майори.**

## РЕСПУБЛИКА ИИВ ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**ТОШКЕНТ.** Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБга тушган хабарга кўра уч номаълум шахс «Фуқаро» хусусий фирмаси механиги В. Гринёвнинг хонадонига кириб, куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, ўн минг сўм пул талаб қилишади. Рад жавоби олишгач, уй эгасига тан жароҳати етказиб, «Панасоник» автомагнитофони ва чарм камзулни тортиб олиб, воқеа жойидан ғойиб бўлишади. Кўрилган тезкор тадбирлар натижасида ушбу талончиликни Юнусобод мавзеси, 13-даҳа, 38-уй, 29-хонада яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган С. С. содир этганлиги аниқланди. Жиноятчининг шерикларини ушлаш чоралари кўрилди.

**САМАРҚАНД.** Самарқанд туманида милиция ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида Меҳробод жамоа хўжалиги раиси Р. Тўрақулов хизмат хонасида шу хўжаликда яшовчи К. Мўминовдан 300 литр винонинг ҳужжатларини расмийлаштириб бериш эвазига 3000 сўм пулни пора сифатида олганда қўлга тушган.

**БУХОРО.** Бухоро ва Навоий вилоятлари чегарасида жойлашган ДАН назорат постида Раҳим Ҳалимов ишонч қоғози билан бошқариб келаётган «ВАЗ-21093» русумли, давлат белгиси Х113 АВ 69 РУС автомашинаси тўхтатиб текшириб кўрилди. Натижада автомашина салонида «ПСМ» русумли тўппонча уч дона жанговар ўқи билан, шунингдек 32.960.000 Россия рубли борлиги маълум бўлди. Терговни Ғиждувон тумани ИИБ ходимлари олиб боришаяпти.

**АНДИЖОН.** Андижон тумани 1-май кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган О. Исроилов «Тико» русумли шахсий автомашинасида уйидан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган эди. Кўрилган чоралар натижасида унинг бўйин қисмидан пичоқланган ҳолдаги жасади Гулистон ширкат уюшмаси ҳудудидаги дала шийпонидан топилган. Олиб борилган тезкор қидирувлардан сўнг жиноятни Андижон шаҳри, Чўлпон шоҳкўчасида истиқомат қилувчи А. Д, шу кўча 5-уйда яшовчи, муқаддам судланган М. С. ва у билан бир хонада вақтинча яшаб турган А. К. шунингдек, Парк кўчасида истиқомат қилувчи Ш. Х.лар содир этганлиги аниқланди. А. Д. ушланган. Қолган жиноятчиларни ҳам қўлга олиш чоралари кўрилди.

**ҚАШҚАДАРЁ.** Косон туманида фуқаро Ш. Суяров «ВАЗ-21063» русумли, давлат белгиси 18 А 6564 бўлган автомашинани бошқариб бораётиб, олдинда велосипедда кетаётган, 1981 йилда туғилган В. Абруев ва Оброн қишлоғида яшовчи, ишламайдиган Д. Эрқуловларни уриб юборган. Натижада В. Абруев вафот этган. Д. Эрқулов эса турли жароҳатлар билан шифохонага ётқизилган. Ш. Суяров устидан тергов ҳаракатлари олиб борилаяпти.

# ЮРТ ТИНЧЛИГИ — БАХТИМИЗ

**дейди Хўжайли туман ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Ниятбой ЮСУПОВ.**

— **Ниятбой ака, мана, 1998 йилга ҳам янги ниятлар билан қадам қўйдик. Илоҳим, барча тилакларимиз, орзуларимиз рўёбга чиқсин. Янги йил барчамизга қутлуғ бўлсин.**

— Айтганингиз келсин. Сизга ва сизнинг ижодий жамоангизга ҳам Янги йил муборак бўлсин. Менимча, ижодкор учун энг катта бахт — ўз ўқувчисини топиши ва унинг ҳурматига сазовор бўлишидир. Севимли «Постда» ва «На посту» газеталаримиз аллақачон ўз ўқувчиларини топган ва уларнинг олқишига сазовор бўлган нашрлардан. Буни йилдан-йилга кўпайиб бораётган газета тиражидан ҳам билиб олиш мумкин. Омон бўлинглар.

— **Суҳбатимизни йил сарҳисобидан бошласак. Айтингчи, ўтган 1997 йил натижалари Сизни қониқтирдими?**

— Ўтган йил давомида жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари жамоатчилик билан ҳамкорликда катта ишларни амалга оширдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ходимларимиз йил давомида ўтказилган «Тун», «Қорадори», «Тозалаш», «Арсенал», «Комплекс», «Орият» каби ўнлаб тадбирларда фаол ҳаракат қилишди. Натижада ўлим билан боғлиқ оғир жиноятлар ўтган йилга қараганда саккизтадан тўрттага, оғир тан жароҳати етказиш тўрттадан учтага камайди. Босқинчилик жинояти олдинги йили иккитани ташкил қилган бўлса, 1997 йилда бундай кўнгилсиз воқеа рўй бермади.

Туман ИИБлари ўртасида ўтказилган беллашувларда ва кўрик-танловларда бўлимимиз ходимлари фахрли ўринларни қўлга киритишди. Қорақалпоғистон республикаси бўйича ўтказилган «Энг яхши ИИБ» кўрик-танловида эса биринчи ўринни эгалладик.

Аммо шундай бўлсада, йил сарҳисобидан кўнглим тўлмади. Чунки умумий жиноятлар олдинги йилга қараганда бир мунча ошди. Демак, қаерлардадир хатоликларга йўл қўйдик. Энди биз ана шу хатолар такрорланмаслиги учун пухта ўйлаб иш юритмоғимиз, аҳоли осойишталиги учун барча зарур чораларни кўрмоғимиз керак.

— **Аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш шу куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Туманда бу борада қандай ишлар қилинди?**

— Жуда ўринли савол бердингиз. Жиноят содир қилаётганларнинг кўпчилиги, айниқса, ёшлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла билишмайди. Оқибатда ўсмирларнинг аксари билмасдан жиноят йўлига кириб қолишяпти. Бундай аянчли ҳолларнинг сабаби кишиларимизда ҳуқуқий билимларнинг етарли даражада эмаслигидир. Бўлимимиз аҳолининг ҳуқуқий билимини камол топтириш мақсадида махсус режа тузди. Шунга асосан, туманимиздаги барча мактабларда, ўқув юртларида, жамоа хўжаликлари ва ташкилотларда «Ҳуқуқий билимлар — оммага» мавзусида суҳбатлар ўтказдик. Бу учрашувимизга прокуратура, суд ва халқ таълими бўлимининг етакчи мутахассисларини ҳам жалб қилдик. Бундан ташқари туман газетасида ойда икки маротаба туркум мақолалар бериб бордик. Қорақалпоғистон республикаси телевидениеси ҳамда радиоси орқали кўрсатувлар, эшиттиришлар тайёрладик.

Ушбу йилда ҳам бу муҳим масалага алоҳида эътибор қаратиб, янги режа асосида иш олиб бораяпмиз.

— **Жамоат тартибини бузган кимсалар — безорилардир. Уларга ўз вақтида тегишли чора кўрилмаса, оқибати ёмон бўлиши мумкин...**

— Ҳақ гап. Ўғрилик қўшнининг товуқхонасидаги тухумни олишдек сезилмас ишлардан бошланади. Аччиқ ҳақиқат бўлсада, айтиб ўтиш зарур, туманимизда жамоат тартибини бузаётган кимсалар учраб турибди. Биз бундай шахсларга нисбатан муросасиз кураш олиб бораяпмиз. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсам, йил давомида жамоат жойларида мингдан ортиқ шахс майда безорилик билан ушланиб, ҳокимлик қошидаги махсус комиссияга чора кўриш учун юборилди. Уларнинг кўпларига турли миқдорда жарималар солинди. 610 нафар фуқаро эса паспорт қоидаларига риоя этмаганликда айбланиб, маъмурий чоралар кўрилди. Туман ҳудудида ичкиликбозлик қилган 920 нафар фуқаро ҳушёрхонага келтирилди ва улардан 65 минг 870 сўм миқдорида жарима ундирилди. Хуллас, майда безорилик ҳам жиноятдир. Шунинг учун барча кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ўқувчилар ва ота-оналар билан учрашувлар ўтказаяпмиз. Тарбияси оғир оилалар билан мунтазам алоқада бўлиб турибмиз.

— **Бу йилги режаларингиз?**

— Янги йилни яхши кайфият, кўтаринки руҳ билан бошладик. Олдимизда бажаришимиз лозим бўлган юмушларимиз жуда кўп. Мақсадимиз аниқ. Зеро, осойишталик бизнинг бахтимиздир. Бу йил Оила йили экан, барчамизнинг хонадонимиз тинч, фаровон бўлсин.

— **Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Суҳбатни Худойберган ЖАББОРОВ ёзиб олди.**

# «01» ОГОҲЛАНТИРАДИ

Кейинги кунларда ҳавонинг совиб кетиши натижасида фуқароларимиз уйларни иссиқ тутиш мақсадида турли-туман иситиш ва газ асбобларидан фойдаланмоқдалар. Бунинг натижасида ёнғин чиқиш хавфи ортиб бориши ва тўғрилаб бўлмас фожиалар содир бўлиши мумкин. Ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан сақлаш бошқармаси яна бир бор эслатади:

- *Газ билан иситиладиган печларни мунтазам равишда назорат қилиб туринг;*
- *ясама ва носоз иситиш мосламаларидан фойдаланманг;*
- *болаларга газ мосламаларидан фойдаланишга рухсат берманг, уларни уйда ёлғиз қолдирманг;*
- *агар газ ҳидини сезсангиз, гугурт чақманг. Хонадаги электр мосламаларини ёқиш ёки ўчириш қатъиян ман этилади, хонани шамоллатинг ва газ идораларига қўнғироқ қилинг. Агар ёнғин чиқса дарҳол 01 рақамли телефон орқали ўт ўчириш хизматларига хабар беринг.*

# ...ХАБАР БЕРАДИ

**Содир бўлаётган ёнғинларнинг ҳар учтасидан бири газдан, иситиш печлари ёки электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, қўлбола иситиш асбобларидан фойдаланиш оқибатида рўй бераётганини кўрамиз. Жумладан:**

● Самарқанд вилояти Пасдарғом тумани Мулла Мирза қишлоғида яшовчи Т.Эргашев газни шланга орқали ёқиши оқибатида тезда аланга кўтарилиб, юзи, бўйни, қўли 1,2 даражали 15 фоиз тан жароҳати олган.

● Фарғона вилояти Ёзёвон тумани Ибн Сино кўчаси 41-уйда истиқомат қилувчи И. Қаландаров катталар томонидан назоратсиз қолиши оқибатида танчага солинган чўғдан иккала оёғи 2-3 даражали 20 фоиз тан жароҳати олган.

● Наманган вилояти Давлатобод тумани 50-уй 32-хонадонда яшовчи З.Убайдуллаева ҳам назоратсиз қолиши оқибатида газ алангасидан чап елкаси, ўнг сони 2-3 А-Б даражали 26-30 фоиз куйган.

● Сурхондарё вилояти Узун тумани Б.Очилдиев жамоа хўжалигида яшовчи П.Давлатовлар хонадонида электр симнинг қисқа туташуви натижасида ёнғин содир бўлиб, уй эгасига 25 минг сўмдан зиёд моддий зарар етказди.

● Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Арабхона қишлоғида истиқомат қилувчи Х.Тошева хонадонида печка мўриси носозлиги оқибатида ёнғин содир бўлиб, унинг 110 кв.м томи ёниб, анчагина моддий зарар етказган.

● Навоий шаҳри С.Айний кўча 6-уйда яшовчи З.Эрқулов очиқ оловдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлигига риоя қилмаслиги туфайли юзи, бўйни 2-3 даражали 9-10 фоиз тан жароҳати олган.

● Андижон шаҳри, Шевченко кўчаси 25-хонадондаги В.В. Грушевский сигарет чекиб ухлаб қолади. Уйдаги палоснинг туташи оқибатида, ўзи заҳарланиб ҳаётдан кўз юмади.

● Наманган вилояти, Уйчи тумани, Охунбобоев кўчаси, 13-уйда яшовчи 1997 йилда туғилган Р.Отахоновни танча ёнида қаровсиз қолдиришлари оқибатида ёнбоши ва оёқлари 3 даражали 30 фоиз куйган.

**Ф.БОБОХЎЖАЕВ, ИИВ ЁСБ ДЁНБ муҳандиси, ички хизмат капитани.**

*Олов — тилсиз ёв*

# МУТТАСИЛ КУРАШМОҚ ЗАРУР

Мана янги йилни ҳам қарши олдик. Байрам арафасида йил бўйи қилган меҳнатимизни сарҳисоб қилмасдан ўтолмаймиз. Зеро, 1997 йил муваффақиятли якунланса-да, бу йил биз ДЁН ходимлари зиммасига янада катта масъулият юкламоқда. Ёнғинларнинг олдини олиш борасида бор куч ва ғайратимизни ишга солиб, аҳолининг тинч, хотиржам ҳаёт кечиришини таъминлашимиз зарур.

Туманимизда ўтган йил давомида 71 та ёнғин содир бўлиб, моддий зарар 970 минг сўмдан ошди. Бундай кўнгилсиз ҳодисалар, асосан, ёш болаларнинг уйда қаровсиз қолдирилиши, газ ускуналарининг носозлиги ва оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, ташкилотларда эса ёнғиндан сақланиш қоидаларига риоя этмаслик натижасида келиб чиқмоқда.

«Деҳқонобод» жамоа хўжалигида бир неча маротаба огоҳлантирилишига қарамасдан, хўжаликнинг дон маҳсулотлари омбори, ёнилғи сақлаш ва тақсимлаш омбори, автотрактор саройи дастлабки ўт ўчириш воситалари билан таъминланмаган. Тўртинчи бригада ҳудудидаги ер ости газ қувурлари ёрилиб, газ исрофгарчилигига йўл қўйилмоқда. Хўжаликда қиш мавсумида фойдаланиш учун сув олиш ҳавзалари қурилмаган. Мавжудлари ҳам қаровсиз ҳолга келиб қолган. Афсуски, Огаҳий, А. Навоий номли, «Тошкент» жамоа хўжаликлари, Боғот механизациялашган кўчма колоннаси, 87-автожамланма ҳақида ҳам худди шундай фикрлар билдириш мумкин.

Шунингдек, туман газлаштириш корхонасига қарашли газ тақсимлаш қурилмалари атрофи панжаралар билан тўсилмаган ва қулфланмаган. Кўпчилик газ тақсимлаш ускуналари ўзбошимчалик билан ўзгартирилган. Яроқсиз ҳолга келиб қолган ер ости газ қувурларини таъмирлаш ва ер устига чиқариш ҳамон пайсалга солинмоқда. Юқорида номлари тилга олинган жамоа хўжаликлари ва корхона раҳбарлари ўз ишига совуққонлик билан қараётганлиги учун туман ҳокимлигига чора кўриш учун маълумотнома берилди. Биз ёнғин содир бўлишининг олдини олиш мақсадида тумандаги барча жамоа хўжаликлари, ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотларда учрашувлар ўтказдик. Ўзаро мулоқотларда қишлоқ оқсоқоллари, меҳнат фахрийлари фаол иштирок этиб, қимматли таклифлар билдирдилар.

Ёнғинга қарши кураш йил бўйи муттасил давом этадиган жараёндир. Шундай экан, бу ишда барчамиз фаоллик билан ҳаракат қилмоғимиз керак.

**Аминбой МАТЁҚУБОВ, Боғот туман ИИБ ДЁНБ бошлиғи, ички хизмат капитани.**

*Қисқа хабарлар*

## МУСУЛМОНЛИГИНИ УНУТГАН МУСУРМОН

Косонлик Шодиёр Беков қиш ғамида буғдой сотиб олиб келган эди. Бир кун буғдой сақланаётган омборхонасига бош суқдию пешонасига тер тепчиди: омборини «тозалаб» кетишибди. Вақт ўтказмай туман ички ишлар бўлими эшигини қоқди. Милиция ходимлари буғдой ўғрисини топишди. Жабрланувчининг ҳамқишлоғи Б. Мусурмон мусулмонлигини унутиб, оила ризқини қийиб кетган экан.

## ЧИРОҒИ ЎЧДИ

«Оби зам-зам»дан қиттак отиб олган Ҳамро З.нинг шерлиги тутди. У Қарши шаҳар шоҳбекатида йўловчи кутиб турган машинага енгилгина қўнди. Ҳайдовчига:

— Парижга бўлсаям ҳайдайвер, ҳақи биздан, — дея луқма отди.

Ҳотамтой йўловчи йўлиққанидан севинган ҳайдовчи машинани елдириб кетди. Орқа ўриндиқда хонлардай ястаниб олган Ҳамронинг нияти бузилиб:

— Оғайни, машинадан туш. Шунча ҳайдаганинг етар — деди очиқчасига дўқ-пўписага ўтиб.

Қаҳрамон эса бўшашиб машина рулини муштумзўр йўловчи қўлига тутди. Ҳамро девни йиқитгандай гердайиб, машинада жўнаб қолди. Аммо бировнинг моли бошқага буюрмайди, деганларича бор экан. Ҳамро ҳайдаб қочган машина шаҳарнинг Ғузор кўчасида жойлашган 6-ўрта мактаб ҳовлисига ўралган панжарага бориб урилди. Боши гангиган «ҳайдовчи»ни милиция ходимлари базўр кабинадан суғуриб олишди.

## ҚЎЙЛАР ҚЎРАГА, ЎҒРИ...

Эрта тонгда қўрага кирган Ғ. Исмоиловнинг капалаги учди: 16 бош қўйини ўғирлаб кетишибди.

Ғ. Исмоилов оёғини қўлга олиб, Қарши тумани ички ишлар бўлимига югурди. Тезкор гуруҳ ўғирланган қўйларни топиб, эгасига қайтарди. Қилғиликни қилган жабрланувчининг ҳамқишлоғи бўлиб чиқди. Начора, қўйлар қўрага, ҳамқишлоқ эса...

## БИРОВНИКИ ОШ БЎЛМАДИ

Акром Р. ва Озод Р. лар Қарши шаҳар «Юбилей» бозори олдида қаровсиз қолдирилган «Москвич» машинасига билса чин, билмаса ҳазил қабилида яқинлашишди. Улар машина юкхонасини осонгина очишганди, худди улар учун аталгандек боғлам пуллар териб қўйилган экан. Осмондан чалпак ёғилгандай қувониб кетишди. Икки ҳамтовоқ 20 минг сўмни қўйни-қўнжига тиқиб воқеа жойидан қочиб қолди. Пулнинг эгаси М. Азизов милициядан ёрдам сўради. Қарши шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари унинг жонига оро кирдилар. Пуллар эгасига қайтарилди.

**Ў. ҲАЙДАРОВ, милиция капитани.**

## «ТОЗАЛАШ»ДА АНИҚЛАНДИ

Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Т. Муродхўжаевнинг кўрсатмасига биноан вилоят ҳудудида жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни зудлик билан очиш, йил бошидан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида «Тозалаш» тадбири ўтказилди.

Тадбир давомида 132 та ўғирликлар аниқланди. 1997 йилда содир этилган 12 та ўғирлик очилди.

Қидирувда бўлган 22 жиноятчи қўлга олинди. Йил бошидан бери бедарак йўқолганлардан 11 киши топилиб, уйларига қайтарилди.

Булардан ташқари, 3 та қотиллик, 2 та оғир тан жароҳати етказиш жиноятлари фош этилди. Муқаддам судланганлар яшаб турган жойларида текширилиб, қўшимча 22 кишига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилди.

«Тозалаш» тадбири давом этмоқда.

**З. САЛОҲИДДИНОВ.**

*Шу азиз Ватан — барчамизники*

# УМРГА ТЕНГ ЛАҲЗАЛАР

Милиция ходимлари ён чўнтакларида олиб юрган «Касб одобномаси» деб номланган мўъжазгина китобчада шундай жумла бор: «Ходим фавқулодда ҳолатларда вужудга келган вазиятга тўғри баҳо бериши, хавфлилик даражасига қараб эҳтиёткор бўлиши, ҳуқуқбузарларнинг ноқонуний ҳаракатларига кескин чоралар кўриши лозим».

Булар оддий сўзлар эмас, унинг замирида эл осойишталиги учун белини маҳкам боғлаган касб эгасига нисбатан катта талаб қўйилаётгани кўриниб турибди. Милиция ходими қасамёд қабул қилар экан, хизмат пайтида учрайдиган ҳар қандай қийинчиликларни енгишга сўз беради. Жиноятчи билан юзма-юз келиш ёки офатга қарши кўкрак кериб курашиш бундан мустасно эмас. Бу эса кишига ҳазилакам масъулият юкламайди. Кимки иродали, мард, жасур, халқига, юртига, касбига меҳр қўйган бўлсагина қасамёдига содиқ қолади. Посбонларимиз бунга қодирдирлар.

«Ўғлим Хуршидни икки кун ўзим сим билан уриб, қўрқитиб 18 минг сўм пул талаб қилди, — деб ёзади Бекобод шаҳрида яшовчи Юнусовлар оиласи соҳибаси. — Улар ҳатто хонадонимизга келиб, дўқ-пўписа қила бошладилар. Умр йўлдошим вафот этган. Тўрт болам билан ёлғизман. Милицияга мурожаат қилишдан бошқа чорам қолмади. Бекобод шаҳар ИИБ ва Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасининг бир гуруҳ ходимлари Ғулом ва Ғанишер исмли шахсларни ўғлимдан пул олаётган пайтда ушлашди. Бизни зўравонлардан халос этган посбонлардан оиламиз билан миннатдормиз».

Таҳририятимизга шунга ўхшаш мазмундаги мактублар келиб туради. Милиция ходими, деган номни шараф билан оқлаётган фидойиларимиз борлиги учун мустақил юртимизда тинчлик, осойишталик, барқарорлик ҳукм сурмоқда. Қорақалпоғистонлик ижодкор дўстимиз Дурдибой Худойшукуров Нукус шаҳар ИИБ ЖҚБ бошлиғининг муовини, милиция капитани, «Жасорат» медали соҳиби Шомурод Есимбетовнинг ҳаётида учраган мана бу воқеани гапириб берди.

Хўжайли шаҳридаги мудҳиш қотиллик кўпчиликни ларзага солади. Она, келин ва олти ойлик гўдак ваҳшийларча ўлдирилганди. Жиноятни очиш учун Шомурод Есимбетов бошлиқ тезкор гуруҳ қўшимча куч сифатида юборилди. Суриштирув натижасида қотилнинг кимлиги аниқланди. У шу хонадон аъзоси, гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилгани ва сотгани учун илгари судланган, кўрнамак ўғил Таваккал Турдимуротов эди. Бир ҳафтадан кейин у яшириниб ётган жой ҳам топилди. Лекин Таваккал деразадан болта кўрсатиб, ким яқинлашса ўзимни ўлдираман, дея бақирарди. Жиноятчининг қурбон бўлишига йўл қўймаслик лозим эди.

Уни қўлга олиш режалари ўйлаб кўрилди. Ниҳоят Шомурод бошлиқдан:

— У мен билан дорилфунунда икки йил бирга ўқиган. Рухсат этсангиз ўзим кириб гаплашиб кўрсам, — дея илтимос қилди.

Эҳтиёт чоралари кўрилгач Шомурод ичкарига кириб кетди. Соч-соқоллари ўсган, кўзлари уйқусизликдан қизариб кетган қотил уни кўриб орқасига тисарилди. Қўлидаги болта баланд кўтарилди. Ё Шомуродга отади ёки ўзининг бошига солади. Нима қилиш керак? Битта қалтис қадам бутун режани барбод қилиши мумкин. «Таваккал!» дея бақирди Шомурод. Қотил бир сапчиб тушди-ю, бурчакка тиқилиб, ўтириб олди... Ўшанда Шомурод қанча гапиргани ва нималар деганини эслолмайди. Бироқ қотил унинг сўзларидан таъсирланиб, ерга юзтубан ётганича узоқ вақт йиғлагани ёдида. Вазият тақозо қилган жойда жисмоний кучга нисбатан сўз қудратли эканлигини милиция ходими исботлаб бера олди.

Бошқа бир воқеани олиб кўрайлик. 1997 йил якунланиб борарди. Тунги соат 01 дан 53 дақиқа ўтганда Тошкент шаҳар ИИББ ЁСБ навбатчилик қисмига пойтахтдаги «Спутник-2» даҳаси 9-уйда ёнғин келиб чиққанлиги ҳақида хабар берилди. Табиий офатни бартараф қилиш учун Сирғали тумани 9-бириктирилган ҳарбийлашган ўт ўчириш қисмидан иккита бўлинма дарҳол воқеа жойига юборилди.

Ўт ўчирувчилар белгиланган манзилга беш дақиқа ичида етиб боришди. Икки қаватли бино бешинчи даражали, яъни тез ёнувчан бўлиб, аланга ичида қолган эди. Қоровул бошлиғи, ички хизмат катта лейтенанти М. Қосимов харитага қараб, хоналарнинг жойлашишини аниқлади. Жасур йигитлар аввало ўт ичида қолган одамларни қутқариш чораларини кўришди. Улар аждаҳодек буралиб, тилини чиқарганча ямламоқчи бўлаётган олов домидан ўн бир кишини олиб чиқиб, ҳаётларини сақлаб қолишди. Шу куни кўрсатган мардлиги учун қоровул бошлиғи ва шахсий таркиб рағбатлантирилди, пул мукофотлари берилди.

— Буюк бобокалонимиз Баҳовиддин Нақшбандий айтганидек «Дил ба ёру даст ба кор», яъни ҳар киши ўзи танлаган касбини севмоғи, бажарадиган ишига енг шимариб, масъулият билан киришмоғи лозим, — дейди Бухоро шаҳар ИИБ бошлиғининг муовини, милиция подполковниги К. Иброҳимов ёш ҳамкасбларига. — Жамиятимизда рўй бераётган нуқсонлар, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қонун устуворлигини таъминлаш милиция ходимининг жонажон вазифасидир. Бу вазифаларни бажариш учун аввало ўзи маънавиятли, маданиятли бўлиши, ахлоқ-одоб, оила, турмуш тарзида ўрнак кўрсатмоғи талаб этилади. Мана шу талаблар бажарилмас экан, кўзлаган мақсадига эриша олмайди. Ички ишлар идораларида хизматни ўташ оғир, аммо шарафли эканлигини унутманг.

Дилдан ва самимий, айни пайтда жуда тўғри айтилган сўзлар. Милиция ходимининг қалбида аввало халқи, Ватани, урф-одатларимиз ва миллий қадриятларимизга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари уйғонсагина юқоридагига ўхшаш мардлик ва жасорат кўрсатишга қодир. Юртбошимиз айтганидек, бу азиз Ватан — барчамизники. Уни кўриқлаш, кўзқорачиғидек асраш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун посбонларимиз олдинги сафда бориб, бор куч-ғайратларини, керак бўлса ҳаётларини ҳам аямаётирлар. Уларнинг шарафли ишлари халқимиз томонидан ўз қадр-қимматини топмоқда.

**Саъдулла ШОДИЕВ.**

*Нақлиёт ИИБ хабарлари*

## САМАРА ОЛИСДА ҚОЛДИ

Хўжанд шаҳрида яшовчи, 1950 йилда туғилган Людмила Петровна исмли аёл 298-сонли поездга ўтириб Самара қайдасан, деб йўлга тушди. Аммо, Бухоро шоҳбекати тармоқ ИИБнинг зийрак ходимлари Петровнанинг юклари ичидан 500 грамм опий, 2,4 грамм гашиш гиёҳвандлик моддаларини топдилар.

## БАЛИҚ БОШИДАН...

Бекобод бекатидаги ички ишлар бўлинмасига қўшни Ленинобод вилояти, Конибодом шаҳридаги билим юртларидан бирида таълим олаётган талабалар З. Сайёра ва Й. Хуршидалар ариза билан мурожаат қилиб, умумий нархи 8.000 сўмлик буюмлари бўлган хўжалик сумкасини номаълум шахс ўғирлаб кетганини маълум қилишади. Тезкор қидирув натижасида сочларига оқ оралаган, ўз фарзандлари билан тенгдош қизларнинг сумкасини ўмарган, Бекобод шаҳри 12-кичик туманда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Н. Раҳматжон далилий ашёлар билан ушлаб келинди.

## ОЛТМИШ ЁШЛИ НОМАЪЛУМ «ЖАНГЧИ»

Андижон — Самара поездининг 12-вагонини текшириб юрган ички ишлар ходимларини Самара вилояти Красноармейск туманидан келган 60 ёшли Геннадий Гаврилович қизиқтириб қолди. Бу томонларда нима қилиб юрганлигини билиш мақсадида суҳбатлашиб кўришганда ҳаммаси аён бўлди. Унинг ёнидан 5,6 мм.ли 248 дона жанговар ўқ ва дори топилди.

**Ҳакимжон ЮНУСОВ,**
**милиция капитани.**

*Огоҳ қўнғироғи*



**Изоҳга ҳожат борми?**

# ИЗҚУВАР ТРЕССИ

Соат миллари 23.30ни кўрсатарди. Туман ички ишлар бўлимининг навбатчилик қисмида телефон жиринглади.

— Алло, бу милициями? Биз марказий шифохонадан қўнғироқ қилаяпмиз. Оғир жароҳатланган кишиларни олиб келишди, сизларни кутяпмиз.

Тезкор гуруҳ зудлик билан туман марказий шифохонасига етиб борди. Шифокорлар Фарҳодга (исм-шарифлар ўзгартириб берилмоқда) тиббий ёрдам кўрсатишаётган экан. Жабрланувчилардан керакли маълумотлар олингач, тезкор гуруҳ аъзолари воқеа содир бўлган жойга жўнадилар. Уй ва унинг атрофи диққат билан кўздан кечирилди. У ердан қон доғлари, қора рангли ниқоб ва пичоқ топилди.

Вилоят ички ишлар бошқармасига мурожаат қилиниб, ёрдам сўралди, изқувар Тресси лақабли ит ҳам келтирилди.

Гуруҳ ходимлари ҳар бир нарсани эътибордан четда қолдиришмади. Икки из уларнинг диққатини ўзига тортди. Ит эса ниқобни ҳидлаб кўрди-да, 3-5 километр масофани босиб ўтиб изни йўқотди. Бу ҳол бир неча бор такрорланди. Қидирув ишлари тонг отгунга қадар тўхтатилди.

Эрта тонгданоқ, Булунғур туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковниги А. Ражабов бошчилигида қидирув ишлари давом эттирилди. Яна асосий вазифани Тресси бажарди. Ит уй атрофидаги токзор оралаб изга тушди. Терговчи, милиция катта лейтенанти М. Рўзибоев, жиноят-қидирув бўлими ходими, милиция лейтенанти Д. Тожиев, ит ўргатувчи, милиция сержанти Р. Гайсин ҳамда вилоят ИИБ ЭКБ катта муҳандиси, милиция капитани К. Насриевлар ҳам изқувар ортидан боришди. Тресси бироз юргач, тупроқ йўлдан 500-600 метр наридаги уйларнинг бири олдида тўхтаб ҳура бошлади.

Уй бекасидан хоналарни кўздан кечириш учун рухсат сўралганда, аввалига, розилик бермади, воқеа тафсилотлари тушунтирилгач кўнди. Гуруҳ аъзолари даҳлизни кўздан кечирар эканлар кийим жавони тагидаги туфлиларда қон изларини топишди. Ичкари хонада эса икки киши кўрпада ўранишиб ётишарди. Жавондан эса яна бир ниқоб топилди.

...Ўша куни кечқурун Фарҳод одатдагидек телевизор томоша қилиб ўтирарди. Турмуш ўртоғи эса болаларини ухлатаётган эди. Кимдир деразани, яна бирров эса эшикни тақиллатиб чақиришди. Фарҳод эшикни очган эди юзларига ниқоб кийган икки киши унга ташланди. Қаттиқ чинқириқни эшитган хотини ёрдамга шошилди. Фарҳод зўрлик билан ниқобдаги кишилар қўлидан чиқиб, токзор томон қочди. Аммо жиноятчилар унга етиб, пичоқ билан ҳамла қилишди...

Ёрдамга етиб келган хотини безориларга ташланди ва улардан бирининг ниқобини юлиб олди. Жазавага тушган безори аёлга қаттиқ мушт туширди. Эр-хотинни жароҳатлаган босқинчилар уларни таниб қолишларидан хавфсираб жуфтакни ростлашди.

Мақолага нуқта қўймасдан аввал Тресси лақабли итнинг маҳоратини алоҳида таъкидлашни лозим топдик. Ит азал-азалдан инсоннинг энг яқин дўсти саналади. Қадим-қадимдан итнинг инсонга садоқати ўзгача бўлган. Ҳозирги даврда ҳам ўргатилган итлар жиноятчиларни топишда қонун посбонларининг энг яқин ёрдамчиси бўлишяпти.

Трессининг зийраклиги ва сезгирлиги туфайли ички ишлар бўлими ходимлари жиноятга алоқадор кишиларни қисқа муддатда қўлга туширишди.

**У. ҚОДИРОВ,**
**милиция капитани.**
**М. ЖАЛИЛ,**
**журналист.**

1998 yil — Oila yili



# Muqaddas dargoh 2

Кичикларимизни ҳурмат қилмаган, катталаримизнинг қадрини билмаган киши биздан эмас. (Ҳадис).

## XAYRLI ISH SAMARASI

Халқимизда хайрли ишнинг савоби улуғ, самараси катта бўлади, дейишади. Президентимизнинг 1998 йилни Оила йили деб, эълон қилиш ҳақидаги ташаббуси ҳам кўпчиликнинг қалбига илиқлик олиб кириб, беҳад қувонтирган хайрли ишлардан бири бўлди. Инсон оилада туғилади, тарбия топади, ўсиб улғаяди. Шунинг учун ҳам, халқимиз азал-азалдан оилани ҳар томонлама мукаммал ва мустаҳкам қилишга ҳаракат қилган. Кўп йиллик ички ишлар хизматидаги фаолиятимдан келиб чиқиб, қайси оилада тарбия мукаммал бўлса, тинч, осойишта, самимий ҳаёт кечади, деб айта оламан. Жиноят содир этган, эгри йўлга кирганларнинг келиб чиқиши, турмушини суриштирилганда, аксарияти ёмон муҳит ҳукмрон бўлган оилада ўсганлиги маълум бўлади.

Шўролар даврида хорижлик бир олимнинг оилада фарзанд қанча кўп бўлса, у мўртлашиб боради, деган гапини эсласам, ижирғаниб қўяман. Ўзбекларнинг қадимдан болажонлиги маълум. Жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган улкан алломаларимиз, бутун олам тан олган мутафаккирларимиз серфарзанд оилада туғилиб, тарбия топишган. Маълум бўлишича ўша хорижлик, «аллома»нинг мамлакатида ҳар ўнта никоҳдан бештаси икки-уч йил ўтмай бекор қилинаркан.

Кейинги йилларда бизда ҳам қатор оилавий муаммолар кўпайгани сир эмас. Уй-рўзғор қийинчиликлари туфайли жанжал қилиб, арзимас баҳоналар билан ажралиб кетаётганлар ҳам топилади. Мўрт оилаларни мустаҳкамлаш, айниқса, янги турмуш қурган ёшларга эътиборни кучайтириб, қийинчилик, муаммоларни енгишда ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш, биз кексаларнинг бурчимиз.

Милиция ходимининг умр йўлдоши бўлиш анча оғир. Меъёрланмаган иш шароитида милиция ходими эрталаб хизматга кетиб, ярим тунда қайтади, гоҳида икки-уч кун ҳам уйида бўлмайди. Бутун оила ташвиши, фарзандлар тарбияси аёл зиммасига тушади. Бундай шароитга чидаган, оилани гулдай қилиб ўтирган аёлларимиз ҳар қандай таҳсинга лойиқ. Турмуш тошдан қаттиқ, унга чидаб, сабр-бардош қилганларгина бебаҳо мевасидан баҳраманд бўлади.

«Постда» газетасида «Muqaddas dargoh» саҳифасининг ташкил этилиши нур устига; аъло нур бўлди. Кўпдан бери кўнгилга тугиб қўйилган гаплар ана шу саҳифалардан ўрин олса ажаб эмас. Оила ҳаёти, муаммоларини ёритишга, жамиятимиздаги намунали оилаларни таништириб, ёш оилаларга маслаҳатлар бериш ва шу каби долзарб мавзулар саҳифалардан ўрин олади, деб умид қиламиз.

Муқаддас даргоҳ — оилада ҳамма нарса: кишилар ҳам, улар орасидаги муносабат ҳам, тарбия ҳам, муҳит ҳам муқаддасдир. Чунки, бу даргоҳда Оллоҳнинг олий инояти инсон туғилиб, ўсиб, вояга етади. Шунинг учун ҳам бу даргоҳни эъзозлаш, асраш ва мустаҳкамлаш фарздир.

**Ф. РАҲИМОВ,**
**ИИВ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори.**



**Оиланинг бахтли онлари!**
**Суратда: Чирчиқ шаҳар ИИБ терговбўлинмаси катта терговчиси, милиция капитани М. Мирахметов оиласи билан.**

## NAMUNALI OILA: U QANDAY BO`LISHI KERAK?

**Оилани жамият инъикоси деб, атаймиз. Илғор жамият қуриш сари одимлаётган эканмиз, унинг таркибидаги оилалар ҳам намунали, ибратли бўлиши лозим, албатта.**

**Шундай экан, намунали, ибратли оила қандай бўлиши керак, деган савол ўз-ўзидан туғилади. Саҳифаларимизда доимий рукн бўлиб қоладиган ана шу савол билан ички ишлар ходимларига, фахрийларига ва муштарийларга мурожаат этамиз. Намунали оила ҳақидаги фикр билан қатнашишни истаганлар муҳарририятга қўнғироқ қилишлари ёки хат орқали ёзиб юборишлари мумкин.**

**Шайхонтоҳур тумани ИИБ участка вакили, милиция старшинаси Дилшод НОМОЗОВ дастлабки суҳбатдошимиз бўлди.**

— Оилада бешинчи фарзандман. Отам электрик бўлиб ишлайдилар. Онам тиббиёт ходими, ҳозир нафақада. Уйланганимга уч ой бўлди. Отам ҳар нарсанинг замини мустаҳкам бўлиши керак, деб кўп таъкидлайдилар, жумладан оиланинг ҳам. Уйланишимдан олдин, туғилиб ўсган Қамаши туманида эдим. Ота-онам мени уйлашларини айтиб, кўзлаб юрганинг бўлса айт, дейишди. Икки-уч нафар қизни айтгандим, улар кўнишмади. Чунки, қизларнинг оиласини билишаркан. Онам яхши оиладан ноқобил фарзанд чиқмайди, дейдилар. Кейин мен Жамилани учратиб қолдим. Ота-онам унинг оиласини суриштириб, розилик беришди. Жамила ҳамшираликка ўқиган.

Участка вакили сифатида иш бошлаганимга ҳам кўп бўлгани йўқ. Ҳар гал оилавий жанжалларга дуч келганимда, ёмон оила қандай пайдо бўларкин, дея ўйлаб қоламан. Айниқса, ажрашаман, дея, ариза кўтариб келганларни худди чилпарчин бўлаётган ноёб буюмдай тасаввур қиламан.

Қамашидаги ён қўшнимиз Ориф Назаровнинг оиласини намунали деса бўлади. Мен уларга жуда ҳавас қиламан. Эр-хотин ўқитувчи, уйларидан бирон марта қаттиқ овоз чиққанини эслолмайман. Айрим қўшниларимизнинг онамга чиқиб, эрларидан шикоят қилаётганларини эшитиб қолардим. Бироқ Ориф аканинг аёллари доимо уларни мақтаб, яхши сўзлар билан тилга олади. Гоҳида ака-укалар, опа-сингиллар бирон нарсани талашиб, тўполон кўтарсак, онам бизни яниб, Ориф акангни болаларидан ўрнак олсаларинг бўлмайдими, дердилар.

Мен албатта ҳали ёш оила вакилиман. Унинг намунали бўлиши учун нималар қилиш кераклигини тўлиқ билмасман. Лекин инсон яхши яшаши, намунали оила қуришни истаса, ҳаракат қилса ижобат бўлиши мумкин.

Оилада агар эр-хотин бир-бирини тўғри тушунса, ўзаро самимий, ҳурмат-эътиборли бўлса, мустаҳкамланиб бораверади, фарзандлар ҳам ана шу тарбиядан баҳраманд бўлади.

## MEN BOLAMNI DESAM, BOLAM...

Кеч куз. Далада охирги ҳосиллар йиғиляпти. Ҳаво тушга яқин айниб, совуқ шамол эса бошлади. Ишни жадаллатиб, сабзини тезроқ кавлаб олишга ҳаракат қилардик. Ён пайкалда қўшним Дилмурод ишларди. Унинг овозидан беихтиёр бурилдим.

— Нима қилиб юрибсиз, ўзингизни чарчатиб, ҳозир тамомлаб ўзим борардим-ку, — деди қаршисида турган онасига қараб.

— Жон болам, юпун чиқиб кетгандинг чопонингни олиб келдим.

Анзират хола қўлларидаги чопонни Дилмуродга тутдилар. Кейин мен билан саломлашиб, Дилмурод кавлаган сабзиларни қопга солишга тутиндилар. Онасининг ҳаракатини кузатиб турган Дилмурод.

— Қўйинг, уринманг уйга боринг, чарчаб қоласиз, — деди.

Анзират хола кетишга чоғланаётган эди. Невараси Элмурод кўринди. У ўтлоқдан сигирини ҳайдаб келарди.

— У ҳам юпун кетган экан, — деди Анзират хола ичи ачишиб.

— Нега иссиқроқ кийинмадинг? — деди Дилмурод яқинлашган ўғлини яниб. Совуқдан қалтираб турган ўғлини ёнига чақирди ва чопонни ечиб, устига ёпди. Дам ўғлига, дам неварасига қараб турган Анзират холанинг ҳолатидан «Мен боламни десам, болам боласини дейди» деган фикрни англаш қийин эмасди.

— Совуқ жонингдан ўтиб кетди болам, юрақол уйга, қолганини эртага кавларсан, — дедилар Дилмуродни тезлаб. Онасининг кўнглига таскин бериш учун қўшним кетмонини елкасига олиб, йўлга тушди.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**

## BO`SH KELMANG, AYOLLAR!

Гулистон қўрғони милиция бўлими бошлиғи, милиция майори Х. Чиналиевнинг хонаси гавжум. Бу ерга келган хотин-қизлар кенгаши аъзолари кенгаш билан милициянинг ўзаро ҳамкорлигини жонлантириш тўғрисида сўз юритишди.

Ўз-ўзини бошқаришнинг таркибий тузилмаси бўлган хотин-қизлар кенгаши хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, турли оммавий-маданий тадбирларни уюштириш масалалари билан шуғулланади.

— Ишимиз оз эмас, — дейди унинг раиси вазифасини бажарувчи Зуҳра опа Каримбоева. — Лекин турмушда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, оилаларда соғлом муҳитни сақлашга оид саъй-ҳаракатларимизни алоҳида тилга олмоқчиман. Оилалардаги низо-жанжалларни кўриб чиқишга кенгаш алоҳида аҳамият беради.

— Ҳар бир ишни кўриб чиқишда холисона иш юритиш, — дейди Х. Чиналиев, — кенгаш ишининг яққол хусусиятидир. Шунинг учун турмушдаги ҳуқуқбузарликларга оид навбатдаги тадбирлар билан участка вакилини юборганимизда текширув аниқ ва ўз муддатида амалга оширилишига ишончимиз комил бўлади.

Мана бир мисол. Шўробозор қўрғонида яшовчи уй бекаси М. Рўзиева кенгашга ариза билан мурожаат қилган. Маълум бўлишича, унинг турмуш ўртоғи уйга маст ҳолда кела бошлаган. Аввалига бунга баҳоналари бўлган, кейин баҳона топишни ҳам йиғиштирган.

II гуруҳ ногирони бўлган Мастура олдинига эрининг инсофга келишини кутган. Лекин кунлар, ойлар ўтиб борса-да, вазият ўзгармаган.

Бир куни у маст ҳолда уйга келиб, жанжал бошлаган ва болаларини уйдан ҳайдаган. Мастура хотин-қизлар кенгашига мурожаат қилишга мажбур бўлган. Кенгашнинг уч нафар аъзоси участка вакили Ғ. Соипов билан бирга Рўзиевлар хонадонига келиб, доимий жанжаллар сабабини ўргана бошлади.

Хотин-қизлар кенгаши аъзолари ва участка вакили Рихсибойга тузалиш учун бир ой муддат бердилар. Унинг бундан кейин оилада жанжал кўтармаслик ҳақида ваъдасини олишди. Кенгаш фаолиятида бундай мисоллар кўп.

Гулистон хотин-қизлар кенгаши оммавий-маданий тадбирлар билан ҳам шуғулланади. Маданият уйи ҳузурида «Нафосат» клуби тузилди. Хотин-қизлар болалар тарбияси, қариндошлари билан ўзаро муносабатлар тўғрисида суҳбатлашиш учун бу ерга келадилар. Клубда уларни шодлик билан қарши олишади.

**Ш. АҲМЕДОВ,**
**Тошкент тумани.**

*Yaxshi xabar*

### KO`ZLARI MUNCHOQDEK PAHLAVON

1998 yil Toshkent shahar IIBB matbuot guruhi xodimi, miliciya leytenanti Obidjon Valijonov uchun qutlug` keldi. Yaqinda uning xonadonida ko'zlari munchoqdek o'g'il dunyoga kelib, oila quvonchiga aylandi. Pahlavonning ismini yaxshi niyat bilan Temurbek qo'ydilar.

**BEKJON.**

*va aksincha*

### JIGARIM-KU DEMADI...

Mirzo Ulug`bek tumanida yashovchi B. Konstantin oxirgi vaqtda ichkilikka berildi. U mahalladagi uncha-muncha kishilarni mensimay qo'ydi. Oqibatda o'z akasi Sergeyni pichoqlab, umriga zomin bo'ldi. Qotil uka qilmishiga mos jazo olajak.

**B. QULJONOV.**

# ТАЁҚНИНГ ИККИНЧИ УЧИ

Бахтиёр анча ўйланиб туриб деди:

— Ўзингизни илмга урсангиз бўлмасмикан?

— Ўйлаб кўришим керак.

— Илм билан, иш билан овунасиз.

Кеч куз эди, ер билан битта хазон. Дарахтлар анча яланғочланиб қолган. Манзара дилни баттар хуфтон қиларди.

— Дардимни айтиб сизни қийнадимми? — деди Раъно.

— Йўқ.

— Нимагадир фақат сизга айтгим келади. Фақат сиз тушунадигандай.

Бахтиёр нима деярини билмай елка қисди.

— Қайтамизми, Раъно? Хафа бўлманг, буниси ҳам ўтади.

* * *

Бахтиёр Раъноларникига етиб борганда у деразадан қўл силтади. Ошхонада нимадир қилаётган экан. Бахтиёрга пешвоз чиқди.

— Вой, бормисиз оламда? — деди у одатдагидай ҳовлиқиб. — Ишхонангизга телефон қилсак отпускада дейишди. Уйингизни билмаймиз. Киринг, киринг.

Бахтиёр ичкарига ўтди. Диванда бир нотаниш қиз ўтирарди.

— Саломалайкум, — дея ўрнидан турди у.

— Танишинг, Муҳаббат, — деди Раъно. — Қаранг-а, бўрини эсласанг қулоғи кўринаркан.

Кулишдилар. Бахтиёр кўрпачага тиз чўкди. Муҳаббатга назар ташлади. Ниҳоятда гўзал эди. Таранг, тирсиллаган қомати, момиқдай оппоқ юзлари ҳар қандай кишини маҳлиё қилар, кўзлари хумор, икки қурак тиши орасидаги бир оз очиқлик ниҳоятда ярашганди. Бахтиёр ёнида Раъно борлигига ҳам қарамай унга суқ билан боқди. Чунки «мана, узиб е» дея имлаётган тарам олма эди гўё.

— Бахтиёр, хафа бўлмангу, сизникига бормадимиз. Ўшанинг учун ҳам чой қўймадим. Муҳаббатни сизга таништирмоқчи эдим, — деди Раъно. — Қачонгача ёлғиз яшайсиз?

— Зўр гап! — хитоб қилди Бахтиёр. Қувончдан юраги тошиб кетди. Муҳаббат уники! Шундай гўзал, сарвқомат уники! — Бўлинглар тезроқ! — шоширди қизларни.

Таксига ўтириб Бахтиёрникига жўнадилар. Бахтиёрнинг ичидан нимадир отилиб чиққудай бўлар, машинанинг учиб кетишини истарди. Қанчадан бери изларди ахир шундай қизни!» Раҳмат сенга, Раъно! Ҳар гал кўксингдан итарсам ҳам келаверасан, борсам қабул қилаверасан. Шундай қиз ёнгинамда ўтирибди-я! Нафас олишини эшитиб турибман. Шунга уйланганим бўлсин. Бас энди кўчама-кўча сандироқлаш. Бунақа ҳаёт жонимга тегди!» — деди Бахтиёр унсиз. Такси елиб борар, азамат чинорларнинг олачапоқ кўланкалари лип-лип ортга учар эди. Улар манзилга етдилар.

— Мана, менинг кулбаи вайронам! — деди Бахтиёр қувонч билан. — Марҳамат, киринглар! Кираверинглар, хонимлар!

Мунгайиб ётган хона яшнаб кетди, бутун бисотига жон кирди гўё. Кўплашиб дастурхон тузадилар. Муҳаббат келинлардай назокат билан чой узатганда, Бахтиёр унинг хумор кўзларига тикилди. Лекин қиз сира тик қарамас эди.

— Раҳмат сизга, Раъно, — деди Бахтиёр чой хўпларкан.

— Нима учун? — сўради Раъно қандайдир маъюс оҳангда.

— Муҳаббат билан таништирганингиз учун.

— Ҳа-а... анчадан бери ўйлаб юрардим. Ишхонамиздаги қизларни ҳам бир-бир мўлжалладим. Муҳаббат институтда ишлайди. Туғилган жойларимиз яқин.

— Ҳа, яхши. Ўзингизнинг ишларингиз қалай?

— Кетяпти, — деди Раъно беҳафсала.

— Илмий раҳбарингиз дуруст одамми, ишқилиб? Раҳбарга кўп нарса боғлиқ.

— Тузук. Ёрдамини аямайдиганга ўхшайди... Биласизми, Бахтиёр шу узоқ-узоқ жойларга кетгим келяпти. Форишга бормаймизми? Бирга ўқиган қизларни кўрамиз, ёзилиб қайтамиз.

— Майли, лекин эртага бир ўртоғим келмоқчи эди. Фарғона томонларга кетмоқчийдик. Шоҳимардонга борамиз. Ёки бирга жўнаймизми,а? — Бахтиёр шавқ билан кафтларини ишқади.

Раъно Муҳаббатга қаради.

— Нима дейсиз?

— Майли, — деди секин Муҳаббат дастурхон бурчагини ўйнаб ўтираркан.

— Оҳ, зўр бўлди-да! — деди Бахтиёр қувончдан терисига сиғмай. — Сизлар ҳам отпускадамисизлар?

— Мен отпускада, — деб жавоб берди Раъно. — Муҳаббатга бюллетень тўғрилаймиз.

Муҳаббат жимгина ўтирар, барча гапларга бефарқ эди худди. «Уяляпти, — деб ўйлади Бахтиёр. — Қандай ажойиб қиз-а!»

— Мен пича ишларимни олиб келувдим. Ўшани тўғрилаб қўяй, — деди Раъно ўрнидан қўзғалиб. — Сизлар гаплашиб ўтиринглар, — у нариги хонага чиқиб кетди.

Икковлари жим қолдилар. Бахтиёр бундай ҳолларда ўзини йўқотмасди. Лекин Муҳаббат фақат саволига жавоб берар, шунинг учун ҳозир тузукроқ гап тополмаётганди.

— Муҳаббат, — деди тараддудланиб, — Раъно мен ҳақимда гапириб бергандир?

— Ҳа, — деди қиз ерга қараб.

Бахтиёр унинг ёнига ўтди. Бирпас иккиланиб тургач, шартта елкасидан қучди. Қиз ўзини сал четга тортгандай бўлди. Кейин Бахтиёр унинг қўлидан ушлади. Момиқдай юмшоқ қўлининг ҳарорати бутун вужудини титратиб юборди, ширин кайфдан боши айланди. Муҳаббат негадир бу ҳаракатларга нисбатан бетаъсирга ўхшар эди. У юмшоққина қаршилик қилар, лекин Бахтиёрдаги ҳис-ҳаяжон йўқ эди. Улар анча вақт шу зайлда ўтирдилар. Бир пайт Муҳаббат ўрнидан турди.

— Майли, энди ётамиз, — деди у ва Раънонинг ёнига кириб кетди.

Бахтиёр қўлидаги шарини учириб юборган боладай шалвираб қолаверди. Аммо, начора, ўрин тўшаб ётди. Ҳаммаси тушга ўхшарди гўё. Кайфияти аъло, бахт нашасидан карахт эди. У ҳаётида кўп қизларни кўрганди. Шунга қарамай, бу гал қиз билан илк бор ўпишган ёш йигитчага ўхшарди. У ухлай олмади, у ёнбошдан бу ёнбошига ағанайвериб қийналди. Шундоққина нариги хонада, уйингда икки аёл, хоҳлаган ишингни қилишинг мумкин бўлган аёллар ётсаю... Тун бўйи қучиб, суҳбатлашиб ўтирса нима қиларди. Бундай имкониятни бой бериш — даҳшат! Ирғиб ўрнидан турди ва хона эшигини итарди. Оббо, илгаклаб қўйишибди.

— Муҳаббат, — чақирди овози титраб.

— Ҳа, — деб жавоб берди у.

— Чиқинг, гаплашиб ўтирамиз.

— Қўйинг, эртага.

— Чиқақолинг, — ялина бошлади Бахтиёр илгакни туширишга ҳаракат қиларкан.

— Бахтиёр, ухланг энди! — деди Раъно ҳокимона.

Унинг овозида ғазабми, аламми — нимадир бор эди. Бахтиёр чўчиб кетди. Бирпас жим туриб қолди ва ночор жойига қайтди. Чунки қандай бўлмасин, улар меҳмонлари эди. Қизиқ, Раъно унга нисбатан қандай фикрдалигини билмайди-ку, лекин доим ўзи билан бирга бўлишга интилиши равшан эди. Буни бўш қолди дегунча ёнига югуришидан сезиш мумкин эди. Нега бундақа қиляпти? Бахтиёр ўзини унинг ўрнига қўйиб кўрди: даҳшат!

У амаллаб тонг оттирди. Қизлар ҳали ухлаб ётишарди. Қандай уйғотса экан? Бахтиёр уларнинг тезроқ туришларини истарди. У радиони ёқди ва овозини баралла очиб қўйди.

— Бахтиёр, мунча? — деган овози эшитилди ичкаридан Раънонинг.

— Шунда-ай, ўзимни қаёққа қўйишни билмаяпман, — жавоб берди Бахтиёр уёқдан буёққа юраркан.

Шиқирлаб эшикнинг илгаги тушди ва қизлар чиқиб келишди.

— Яхши дам олдиларингми?

— Раҳмат, — улар кўзларини ишқаганча ваннахонага ўтиб кетишди.

Ювиниб, кийиниб бўлишгач, Муҳаббат хоналарни йиғиштира бошлади. Чойнак, пиёлаларни ювди. Бахтиёр завқ-шавққа тўлиб кетди. Дастурхонга ўтирдилар.

— Шоҳимардонда бўлганмисиз? — сўради Бахтиёр.

— Йўқ, — жавоб берди Раъно.

— Мен борганман, — деди Муҳаббат.

Бахтиёр дарров ҳушёр тортди.

— Қачон? Ким билан?

— Институтдаги қизлар билан. Бир фарғоналик курсдошимизнинг тўйига борувдик. Тўйдан кейин Шоҳимардонга чиқдик.

«Ҳайрият» деб қўйди Бахтиёр ичида. Бахтиёр ҳозир Муҳаббат баҳайбат тоғлар, арчазор, сойларни мақтаса керак, деб ўйлади. Лекин қиз индамади, гўё ҳеч қандай таассурот олмагандай.

— Ўзингиз бўлганмисиз? — сўради Раъно аллақандай куюнчаклик акс этиб турган кўзларини тикиб.

— Ҳа. Икки йил аввал ўн кун дам олгандим. Э, зўр бўлди! — Бахтиёр тошиб кетди. — Лекин компания билан бормасанг, зерикиб қоларкансан одам. Икки-уч кун танҳо кезиб юрдим. Кейин бир аёл иккита қизи билан келиб қолди, компания тузиб олдик. Ажойиб қизлар эди, шундай самимий, чиройли, тиллари ширин. Сўз охиридаги «а»ни чўзиб гапиришади, худди ялинаётгандай.

Раъно бирдан «жим» дегандай қаради. Бахтиёр тушунди: «Вой, аҳмоғ-ей, Муҳаббатнинг ёнида бошқа қизларни мақтаб ўтирибди-я!»

Орадан ярим соатча ўтгач, эшик қўнғироғи жиринглади. Олим келганди. Бахтиёр уларни таништирди. Дўсти қисиниб-қимтиниб ўтирарди.

— Мана, бирга кетадиган бўлдик, — деди Бахтиёр тантанавор.

— Яхши, — деди Олим. — Қани, йиғиштириндик бўлмаса...

...«Жигули» халқа йўлдан елиб кетди. Бахтиёрнинг ёнида Муҳаббат, олдинги ўриндиқда Раъно ўтирарди. Бахтиёр Муҳаббатнинг қўлини ушлаб олган...

Янтоқ чўли бошланди. Бепоён чўл. Этаги тоққа туташиб кетган. Тоғнинг айрим ҳовучсимон жойларида тўп-тўп дарахтлар кўзга ташланади. Кичик-кичик қишлоқлар бор у ерларда.

— Мана шундай кенг жойларда яшасанг-да, — деди Бахтиёр олисларга ҳавас билан боқаркан.

— Бўлади, — деди Олим, — бошқалар яшаяпти-ку.

Бахтиёр ҳазиллашди:

— Юзлаб қўй, товуқ қилиб қўйиб-а? Муҳаббат, боқармидингиз?

Кулишдилар. Муҳаббат майин жилмайди, хумор кўзлари пирпиради. Бахтиёр унинг қўлини меҳр билан силади. Чўл давом этарди, охири йўқдай. Улар кўп гаплашмасдилар, машинанинг бир текис елиши беҳол қилган, ухлай деса ухлолмайдиган, бироқ уйқу келгандай туюларди. Тобора чўлнинг бир хил манзарасига эътибор бермай қўйишди. Бахтиёр қизларни суҳбатга тортиш учун қизиқ-қизиқ ҳангомалардан гапириб кўрди, улар ўзларини зўрлаб жилмайишар, тағин жим бўлишарди.

— Хай, Олим, тўхтатвор!

Тоғ этагидан ўтгач машина тўхтади. Ҳаммалари оёқларини ёзиш учун пастга тушдилар.

— Ие, анаву Ваҳоб акаку! — паст овозда хитоб қилди тўсатдан Муҳаббат.

Қаршиларидан келаётган қора «Волга» ўнгга бурила бошлади. Бурилиб бўлгач, негадир тўхтади ва улар томон юрди. Улар ёнига етиб тўхтади-да, ичидан қора кўзойнак таққан, қора плашчли новча одам тушди.

— Муҳаббат, нима қилиб юрибсиз? — деди

— Айланиб келувдик, Шоҳимардонга бормоқчимиз, — деди Муҳаббат анча очилиб.

Кафедра мудири Ваҳоб ака бошқалар билан истамайгина саломлашди ва деди:

— Тез Тошкентга қайтинг! Жуда зарур!

— Нимага? — Муҳаббат ҳайратланиб кўзларини катта очди.

Домла уни сал четга тортди.

— Милиция қидириб юрибди! Аҳвол чатоқ, институтни алғов-далғов қилиб юборишди.

— Нимага ахир?!

— Институтга яқин жойда бир чақалоқнинг мурдаси топилган. Шунинг айбдорини қидиришяпти. Сизни Рихсиқул домла сотибди милицияга... Мен ҳозир Тошкентга қайтяпман. Бир шогирдимнинг тўйига келгандим.

Муҳаббатнинг кўзлари аланг-жаланг бўлиб қолди, у икки ўт орасида эди. У Раънонинг олдига борди ва йиғламсираб деди:

— Ҳозироқ қайтиб кетишим керак экан.

— Вой, нимага? — деди Раъно юзини буриштириб.

— Жуда зарур! — деди домла қатъий.

— Унда мен ҳам бирга кетаман, — деди Раъно овози товланганча.

Қора «Волга» икки аёлни олганча зумда кўздан йўқолди. Уч йигит анграйиб қолаверди.

* * *

Институтга келишгач, кўп ўтмай икки терговчи аёл Муҳаббатни олиб кетишди — уларни кимдир огоҳлантирган шекилли. Экспертизага бордилар. Врач — семиз рус аёли бундай жойларни сира кўрмаганидан ранги оқариб титраётган Муҳаббатни синчиклаб текширди. Кейин қоғозларни тўлдириб терговчи аёлга берди.

— Нима бўлди?! — сўради Муҳаббат йиғлаб.

— Сиз айбдор эмассиз, — деди врач. — Кўкракда сут йўқ...

Ортга қараб йўлга тушдилар ва тезда милиция бўлимига етиб келишди. Бир хонага кирдилар. Ўрта ёшлардаги эркак терговчи эксперт хулосасини кўздан кечира бошлади. У қоғозлардан бош кўтариб Муҳаббатга қараб-қараб қўярди. Ниҳоят, қоғозларни бир четга сурди ва деди:

— Синглим, узр, айбингиз йўқ экан. Сизга рухсат.

Муҳаббат худди мастлардай гангираб чиқиб кета бошлади. Шу пайт уни ток ургандай бўлди, таққа тўхтади. Бир милиционер... Рихсиқул домланинг қизини бошлаб келарди... Сал нарида эса домланинг ўзи кўринди...

**Ориф ФАРМОН.**

**(Охири. Боши ўтган сонда).**

# Мунажжимлар башорат қилади

**26 январь — 1 февраль**

**ҚЎЙ (21 март — 20 апрель)**

Ҳафтанинг биринчи ярмида келишмовчиликлар келиб чиқиши ва саломатлигингиз панд бериши эҳтимолдан холи эмас. Пайшанба кунги учрашув қувонч келтиради. Жума куни Сизга омад кулиб боқмайди. Шанба куни ижодий қобилиятингизни намоён этиш имконияти бор.

**СИГИР (21 апрель — 21 май)**

Душанба куни хушхабар эшитасиз. Сешанба ва чоршанба кунлари кўплаб муаммоларни ҳал этишингизга тўғри келади. Пайшанба одамлар билан мулоқот учун қулай кундир. Дам олиш кунлари уй ташвишлари билан ўтади. Дарвоқе, ишбилармонлик учрашуви бўлиб ўтиши мумкин.

**ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь)**

Ушбу ҳафта барча муносабатларда омадлидир. Дастлабки кунлар касб маҳоратингизни намойиш этасиз. Чоршанба ва жума кунлари моддий аҳволингизни яхшилаб олиш имконияти бор. Пайшанба харидлар учун қулай кун. Дам олиш кунлари мавқеингизни мустаҳкамлашга керакли бўлган учрашув ҳаётингизга қувонч олиб келади.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь — 23 июль)**

Ҳафтани имкони борича фаол бошлашга ҳаракат қилинг. Душанба ва сешанба кунлари ишингиз юришади. Чоршанба куни бироз нафасингизни ростлаб олганингиз маъқул. Пайшанба куни олисдан хушхабар кутинг. Шанба омад келтиради.

**АРСЛОН (24 июль — 23 август)**

Ушбу ҳафта давомида меҳнат ютуқларига эришмайсиз. Дастлабки кунлар келишмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Аммо пайшанба кунги ажойиб саргузашт кайфиятингизни кўтариб юборади. Шанба куни саломатлигингиз бироз ёмонлашиб қолиши эҳтимоли бор. Якшанба куни хушхабар эшитасиз.

**БОШОҚ (24 август — 23 сентябрь)**

Фақат сешанба кунигина Сизга омад кулиб боқмайди. Душанба, чоршанба ва жума кунлари меҳнат фаоллигингиз самарали натижалар келтиради. Шанба кунни уй юмушларига, якшанбани эса дўстлар билан мулоқотга бахшида этинг.

**ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь)**

Энг муҳим ишларингизни ҳафтанинг биринчи ярмига режалаштиришга ҳаракат қилинг. Чоршанба куни молиявий аҳволингизни яхшилаб олиш имконияти бор. Пайшанба ва шанба ажойиб танишлар орттириш учун қулай кундир. Якшанба куни саломатлигингизни тиклашга алоҳида эътибор беринг.

**ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь)**

Душанба ва сешанба кунлари муҳим ишларингизни бажариш имконияти мавжуд. Пайшанба ва жума кунлари соғлиғингиз панд бериши мумкин. Аммо дам олиш кунлари кўнгилли ўтади: хонадонингиздаги юмушларни бажариб, мириқиб ҳордиқ чиқарасиз.

**ЁЙ (23 ноябрь — 21 декабрь)**

Душанба куни кичик омадсизликлар кутилмоқда. Сешанба куни ажойиб саргузаштдан баҳраманд бўласиз, чоршанба куни эса ишбилармонлик учрашуви бўлиб ўтади. Жума куни дам олиш учун имконият топишга ҳаракат қилинг. Шанба харидлар, якшанба эса сафарга бориш учун қулайдир.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь)**

Ҳафтанинг бошланишида барақали меҳнат қиласиз. Чоршанба ва пайшанба кунлари ижодий қобилиятингиз намоён бўлади. Шанба куни мавқеингиз учун фойдали учрашув бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Якшанба куни саломатлигингиз ёмонлашиб қолиши мумкин.

**ҚОВҒА (21 январь — 19 февраль)**

Чоршанба ва жума кунлари ишингиз юзасидан яхши натижаларга эришиш имконияти бор. Сешанба куни муҳим янгиликдан хабар топасиз. Душанба ва шанба кунлари кайфиятингиз ёмонлашиши мумкин. Якшанба куни вақтингизни дунёқараши Сиз билан бир бўлган инсонлар даврасида ўтказишни маслаҳат берамиз.

**БАЛИҚ (20 февраль — 20 март)**

Душанба куни бажарилмай қолган ишга кўп куюнаверманг. Чунки сешанба ва пайшанба кунлари режаларингизни юз фоиз уддалайсиз. Чоршанба куни олисдан хушхабар кутилмоқда. Дам олиш кунлари фойдали ва кўнгилли ўтади.


**ҚЎРИҚЛАШ СИГНАЛИЗАЦИЯСИ СИСТЕМАЛАРИ**

Тошкентдаги омбордан

C&K SYSTEMS
Global Secyrity Technology

-Ўзбекистонда қўллашга рухсат берилган;
-беш йиллик кафолат билан;
-замонавий услуб, оддий монтаж;
-маъқул баҳода, арзонлаштирилади

ЎРНАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ҳамкорликка чорлаймиз

Vinlad

Манзилимиз: Тошкент ш. Қушбеги кўч.,18.
Тел.: (3712) 50-46-13, 50-99-13.


## ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

Марғилон шаҳар темир йўл шоҳбекатидаги тармоқ ички ишлар бўлинмаси томонидан 1995 йил 5 август куни соат 9 дан 30 дақиқа ўтганда Марғилон - Файзиобод бекатлари оралиғида топилган эркак киши мурдасининг шахси аниқланмоқда.

**Белгилари:** ёши 55-60 ларда, бўйи 160-170 см, Осиё миллатига мансуб, соқол-мўйловига оқ оралаган.

**Алоҳида белгилари:** мурда ҳаётлигида ногирон бўлган, чап қўлидаги учта бармоғи бирлашиб кетган, ўнг қўлининг бармоқлари ҳам туғма ногирон, ривожланмаган, оёқлари ҳам ногирон бўлиб, чап оёғи ўнг оёғидан калта.

**Кийимлари:** бошида қалампирнусха дўппи, эгнида юпқа қора чий бахмалдан тикилган тўн, чап елкасига ямоқ солинган, оёғида хонада кийиладиган шиппак бўлган.

Мурданинг ёнидан қўлда тайёрланган қўлтиқтаёқ ва 25 ҳамда 100 сўмлик жами 1000 сўм пул топилган.

**Марҳумни таниган фуқаролардан Марғилон шоҳбекатидаги ТИИБга 37-78-02, 37-38-28 рақамли телефонлар орқали ёки яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

---

Тошкент шаҳар ИИББ ДАНБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ДАНБ тарғибот бўлими нозири, милиция капитани Шуҳрат Эргашевга отаси

**Бердибой ЭРГАШЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

---

Тошкент шаҳар ИИББ ДАНБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ДАНБ тарғибот бўлими нозири, милиция майори В. Тутинга ота-онаси

**Юрий Иванович ТУТИН ва Нина Александровна ТУТИНАнинг**

вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

---

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарманинг собиқ ходими, нафақадор

**Шариф НУРМУРОДОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирадилар.

---

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ҳамда Фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси Қадамбой Ҳасановга турмуш ўртоғи

**Онабиби ҚУТЛИМУРОДОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

# «КОСКОМ» — XXI АСР АЛОҚАСИ

**Истиқболли, рақамли стандарти GSM-900 бўлган чаққон уяли алоқани тақдим этувчи «Коском» Ўзбекистон - Америка қўшма корхонаси Ўзбекистондаги фаолиятини ўтган йил апрель ойида бошлаган. Ушбу қўшма корхона таъсисчилари «Ўзбеккосмос» коинотни тадқиқ этиш Давлат агентлиги, «Даврконверсия» АОЗТ сармоя-савдо-саноат компанияси ва MCT of Russia LP компаниясидир.**

**Биз «Коском» бош директорининг муовини, илгари бир неча ўн йиллар мобайнида милиция соҳасида ишлаган, истеъфога чиққунга қадар эса Тошкент вилояти ИИБ тизимидаги қатор туман ички ишлар бўлимларига раҳбарлик қилган В. ЮГАЙ билан суҳбатлашдик.**

— Тақдир тақозоси билан эндиликда янги вазифалар, янги масала ва муаммоларни ҳал этишимга тўғри келаяпти. Иш доим тиғиз ва милицияда тобланганим кўп жиҳатдан қўл келаяпти.

Айни пайтда Ўзбекистонга уяли телефон алоқасини олиб келган олтита компания фаолият кўрсатмоқда. Биз мазкур бозорга GSM стандартини тақдим этган ҳолда энг кейин кириб келдик, эксплуатация режимида ҳам илк бор фаолият юритаяпмиз ва муносиб ўринлардан бирини эгаллашга умид қиламиз. Кучли рақобат мижозлар талабини инобатга олган ҳолда такомиллашиб бориш ва мақсадга эришувнинг мақбул йўлларини излаб топишга ёрдам бераяпти.

**— Бугунги кунда нималарни таклиф этишингиз мумкин?**

— Қўшма корхонамиз Марказий Осиёдаги энг замонавий GSM стандартидаги уяли алоқанинг дастлабки операторидир. Уяли алоқа ускуналарини етказиб берувчи жаҳон миқёсидаги таъминотчилар билан алоқа ўрнатиб, қулай жиҳозларга эгалик қилишга муваффақ бўлдик. «Коском» манзилига MOTOROLA ва ALCATEL фирмалари томонидан бир неча миллион АҚШ доллари турадиган технологик ускуналар етказиб берилди. Бизнинг шерикларимиз Siemens, Nokia компаниялари ва бошқалардир.

«Коском» ҳар қандай корхона ва ташкилотни алоқанинг барча зарур турларини энг қисқа муддатларда ва мақбул нархларда таъминлаш имконини берувчи ишланмалар таклиф этади. Энг янги технологиялар ва мижозлар эҳтиёжи инобатга олинган сервис хизмати абонентларнинг барча талабларини қондиришга қодир.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги энг йирик GSM тармоғи Тошкент, Самарқанд, Чирчиқ шаҳарларини қамраб олган. Яқин келажакда Навоий, шунингдек Фарғона водийсигача узайтирилади. Кейинги босқичда республика вилоятлари марказидаги барча тармоқлар ва уларни боғлаб турувчи магистралларни ривожлантириш мўлжалланмоқда.

Муҳим шартлар — тезкорлик, махфийлик. GSM тизимидаги барча сўзлашувлар ишончли усуллар ёрдамида шифрланади, шу сабабли ушбу тармоққа уланган, дунёдаги ўнлаб мамлакатлардаги мижозларимиз криминал тизимлар, техник безори-хакерлар аралашувидан ҳимояланишган.

**— Бундай кафолатланган алоқа ички ишлар идоралари фаолиятида ҳам зарур экан.**

— Албатта. Биз республика ИИВ мутахассислари билан учрашиб, ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари ҳақида сўз юритдик. Айни пайтда Тошкент шаҳри ИИББга бир неча жамламалар (телефон «гушак»лари) синаб кўриш учун берилган. Уларни эксплуатация қилиш натижалари келгуси алоқаларимизга замин яратади. Ўйлайманки, бу албатта ўз мевасини беради.

**— Менимча, мавзудан бироз ташқарига чиқиб кетдик...**

— Биз ўз мижозларимизни сифатли алоқа билан Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ҳам таъминлаймиз. Халқаро миқёсга чиққанлигимиз сабабли жаҳондаги GSM стандарти тармоғи ташкил этилган 40 мамлакатда телефонларимиз ишлаб турибди. Бу дегани, агар мижозимиз шу давлатлардан бирортасига борадиган бўлса, алоқанинг барча зарур турларидан фойдаланиши мумкин. Алоқа «Коском» қўшма корхонаси стандарт шартномаси бўйича таъминланади.

GSM стандартидаги барча телефон гўшаклари котибанинг кўплаб вазифаларини ҳам бажаради. GSM-модем платаси ёрдамида эса ўз телефонингизни компьютерлар билан маълумотлар алмаштириш, факслар қабул қилиш ва жўнатиш, ИНТЕРНЕТ билан алоқа ўрнатиш қобилиятига эга бўлган ҳар томонлама қулай офисга айлантиришингиз мумкин.

Суғурта қилиш ҳам ёддан кўтарилмаган. Шу мақсадда «Ўзбегим» хизматининг янги жамламаси тақдим этилган. Ундан абонентларни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш, бизнинг тармоғимизга уланган телефонлар, алоқа сифати билан танишиш имконини берувчи «мини-тест», янги мижоз учун бир соат ва 200 минут мобайнида телефон билан танишиш учун бепул эфир вақти урин олган.

**— Биз фақат техника тўғрисида гаплашаяпмиз, ҳатто энг замонавийлари ҳам уларни бошқарадиган инсонларсиз қандай маънога эга?**

— Сиз ҳақсиз. Бу муҳим масалалардан биридир. «Коском» ходимлари бошқа компаниялардан фарқли ўлароқ фақат маҳаллий мутахассислардан иборат. Қисқа вақт мобайнида 15 нафар ходимимиз Англия, Франция, Германия, Россияда таълим олиб келдилар. Маҳаллий кадрларга суяниб иш кўриш, мунтазам уларнинг малакасини ошириб бориш «Коском» стратегиясининг асосий йўналишларидан биридир.

Мўътадил ривожланиб бораётган компаниялардан бири бўлган «Коском» ишонч билан олға бормоқда. Шуни унутмангки, келгуси аср бошида GSM тармоқларини бутун дунёга тарқалган йўлдош системаси алоқаси билан бирлаштириш кўзда тутилмоқда. Кўриниб турибдики, яқин келажакда Ер шарининг барча нуқталаридан алоқа қилиш имконияти пайдо бўлади.

Газетхонларимиз ўзларини қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: **700031, Тошкент шаҳри, Воҳидов кўчаси, 118.**

**Телефонлар: савдо бўлими: 152-66-88, 152-66-72.**

**Абонент бўлими: 56-02-11.**


**«ПОСТДА» — «НА ПОСТУ»**

*МАНЗИЛИМИЗ: 700029, Тошкент, Юнус Ражабий кўчаси,1*

*Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.*

**Муҳаррир З. АТАЕВ.**

**Таҳрир ҳайъати:**
**З. Алматов**
**Қ. Бурхонов**
**А. Жўраев**
**Ў. Жўраев**
**Н. Исмоилов**
**Ш. Мавлянов**
**Б. Матлюбов**
**Ғ. Раҳимов**
**Э. Сатторов (масъул котиб)**
**С. Сулаймонхўжаев (муҳаррир ўринбосари)**

**Навбатчи С. ШАМСИДДИНОВ.**
**Мусаҳҳиҳлар:**
**Н. Султонова**
**Г. Холиқова**
**Саҳифаловчи**
**М. Насретдинова**

**ТЕЛЕФОНЛАР:** муҳаррир —139-70-40, муҳаррир ўринбосари — 139-77-23, масъул котиб — 139-73-88, мухбирлар бўлими 139-75-69. Факс: 54-37-91.

Газета тарқатиш масалалари бўйича мурожаат учун: тел.: 139-70-40, факс: 54-37-91, пейжер: (088) 15-55.

**Бизнинг ҳисоб рақамимиз: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҳисоб-китоб — касса марказида: 21506000200447980001, МФО 00014.**

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

**Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000021.
Буюртма Г — 0910
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 18.00.

Обуна рақами — 180.
112.609 нусхада чоп этилди

*«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

*1,2,3,4,5,6.*